“GENERAL BUSINESS ADVISORY” МОЛИЯВИЙ ВА ЮРИДИК МАСЛАҲАТЧИ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ

Тошкент – 2024 йил

Лойиҳанинг мақсади:

Хизматлар кўрсатиш соҳасида Молиявий ва юридик маслаҳатчи хизмат марказини ташкил этиш бу – янги замонавий соҳа бўлиб, у орқали аҳолига молия ва қонунчиликлардаги муаммоли масалар бўйича маслаҳатлар, бизнесда керакли таклифлар берилади.

Шунингдек, бугунги кунда, жаҳон тажрибасида ҳам бизнесни юритишда молия ва юридик хизматларидан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг асосий сабаби, корхоналарнинг ҳолати бўйича Халқаро стандратларга мослаб иш юритишдир.

ЛОЙИҲА ТУРЛАРИ

Лойиҳани амалга ошириш учун икки хил усулда иш бошлаш таклиф этилади:

1. Бино иншоот сотиб олиш, қуриш.
2. Бино иншоот ижара асосида

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган усулдан 1 (бино иншоот сотиб олиш, қуриш) йўналиш бўйича дастлабки ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Молиявий ва юридик хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш учун бино иншотлар тадбиркор томонидан қурилади ҳамда жиҳозланади.

Мазкур марказини ташкил этишда тадбиркор ишни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни маслаҳат берамиз.

1. Молиявий ва юридик кўмакчи марказини қуриш учун мақбул жой топиш;

2. Ерни сотиб олиш ёки ҳудудий ҳокимликдан узоқ муддатга ижара асосида олиш;

3. Харажатлар ва даромадлар режасини бўйича бизнес стратегиясини ишлаб чиқиш;

4. Ҳужжатлар билан боғлиқ масалаларни ҳаммасини хал қилиш, хусусан лийензия ва бошқалар;

5. Қурилиш билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш;

6. Ускуналарни сотиб олиш учун ишончли таъминотчи топиш;

7. Марказни реклама қилиш учун маркетинг тизимини ишлаб чиқиш;

8. Ходимларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ёки ишончли ходим топиб берадиган рекруитер ташкилотларига мурожаат қилиш.

Шунингдек, қуйидаги Потенциал талабга таъсир этувчи омилларни кўзда тутиш бизнесни ривожланишига сабаб бўлади.

- ҳудудда таклифнинг талабдан кам бўлиши (хизмат кўрсатиш дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, мижозларнинг дефицитга айланган хизматга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади;

- мижозлар(жисмоний ва юридик шахслар) оқими даражаси – яъни мижозларнинг оқимининг ошиб бориши хизмат харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча камайиши потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади;

- ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир килади;

- рақобатбардошликни таҳлил қилиш ва рақобат сиёсатини аниқлаш;

- ташкил қилинаётган ҳудуддаги аҳоли сони (улардан 20-50 ёшгача бўлганини), тадбиркорлик субъектлари сони, йирик корхона ва ташкилотлари сони, давлат ташкилотлари, банк, микромолия ва ломбардлар ҳамда ташкил қилинаётган хизмат тури бўйича фаолият

юритаётган корхона ва ташкилотлар бўйича ўрганиб чиқиш тавсия этилади (маълумотлар stat.uz, cbu.uz сайтларида мавжуд).

Молиявий ва юридик кўмакчи марказини ташкил этиш учун энг кам миқдорда 100,0 м^2 майдон зарур бўлади. Бунда 2 та иш хонасидан, 1 та регистрация ҳамда мижозлар кутиш хонасидан, 1 та кичик алоҳида суҳбатлашадиган хонадан иборат бўлади. Ушбу марказда 6 та иш ўрни мавжуд бўлади.

Лойиҳанинг қурилишига 450,0 млн.сўм ҳамда жиҳозлашга 200,0 млн.сўм ҳамда мобил иловани ишлаб чиқиш учун ўртача 80 млн сўм пул маблағлар сарф этилиши жами 730 млн.сўм режалаштирилган. Шу билан бир қаторда офис тайёр офис сотиб олиш нархи маълумот учун Тошкент шаҳрида ўртача 80,0-100,0 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

Ушбу марказ жиҳозлари учун қуйидагиларни харид қилиш лозим ва юқорида кўрсатилган 200,0 млн.сўм маблағ ушбу мақсадлар учун ишлатилади:

1. Компьютер 6 дона-ҳар бирининг нархи ўртача 10 млн.сўм-жам 60 млн.сўм

2. Принтер 2 та 3*1 ва 1 та ранглик принтер-ўртача нархи 4-5 млн сўм атрофида. Жами кетадиган маблағ миқдори 12-15 млн.сўм атрофида.

3. Стол стул, шкаф, юмшоқ мебел ва бошқа жиҳозлар учун 50 млн.сўм

4. Кондиционер 3 дона ҳар бирининг ўртача нархи 7-8 млн сўм атрофида Жами 21-24 млн.сўм.



5. Йиллик ижара харажатлар(ўртача бир ойлик учун 5-6 млн сўм атрофида) 60-72 млн сўм.

6. Йиллик канцелария маҳсулотлари, интернет, сув, канализация, электр энергияси, маиший буюмлар, гул, камера ва бошқа маҳсулотлар учун 51 млн.сўм пул маблағлари талаб этилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 5 кишини ташкил қилади. Ишчиларининг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача).Иш кунлари 6 кунлик.

МАРКАЗНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

Марказни рўйхатдан ўтказиш учун сиз ҳуқуқий шаклни, тиббиёт фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар билан танишишингиз керак. Ҳужжатларни расмийлаштириш “Давлат Хизматлари Маркази” томонидан расмийлаштирилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Молиявий ва юридик хизмат кўрсатиш марказ жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги хизматлар амалга оширилади:

Жисмоний шахслар учун кўрсатиладиган хизмат турлари:

- Банк ва ломбардлар томонидан таклиф қилинаётган хизмат турлари орасидан энг кам фоизлик кредитлар, юқори фоизлик омонатлар, кам фоизлик хизмат турлари ва бошқалари бўйича маълумот бериш ва кўмаклашиш;

- Банк, микромолия, ломбард ташкилотларидан кредит олишда таъқиқ бор ёки йўқлигини текшириб таҳлил қилиб бериш (кредит тарихи, қарздорлик ва бошқалар);

- Банк томонидан автоматлаштирилмаган кредитларни расмийлаштиришда зарур бўладиган ҳужжатлар тўпламини банк талаби бўйича шакллантириб бериш;

- Фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судларда ва ишларда юридик маслаҳат бериш ҳамда кўмаклашиш;

- Давлат томонидан аҳолига берилаётган имконият, имтиёз,солиқ имтиёзлари, божхона, таълим ва бошқа турдаги имтиёзлар бўйича маслаҳат бериш ва кўмаклашиш (Давлат томонидан берилган барча имтиёзлар бўйича алоҳида сайт ёки мобил иловада бўлим яратилади ва фойдаланиш учун пул тўлаш лозим бўлади).

- Тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар учун бизнес режадар тузиш, бухгалтериясини юритиш, корхона ташкил қилишда рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўладиган стол услуг хизматларини кўрсатиш ҳамда мижознинг таклифларига асосан бизнес режалар таҳлиллари билан биргаликда ишлаб чиқиш.

Юридик шахслар учун кўрсатиладиган хизмат турлари:

- Банк, микромолия, ломбардлар томонидан таклиф қилинаётган хизмат турлари орасида энг кам фоизлик кредит, аккредити ва бошқа хиўматлар, юқори фоизлик депозитлар бўйича маълумот бериш ва кўмаклашиш.

- Банк, ломбард, микромолия ташкилотларидан кредит олишда таъқиқ бор ёки йўқлигини текшириш, давлат ташкилотлари олдида қарз бўйича маълумотлар олиш ва текшириш.

- Иқтисодий, жиноий, маъмурий ишлари бўйича юридик ва молиявий маслаҳатлар бериш ва ёрдамлашиш.

- Давлат томонидан корхона ва ташкилотларни тўлиқ ва камчиликларсиз рўйхатдан ўтказиш, ном топиб бериш ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

- Давлат томонидан берилаётган имтиёз хусусан, божхона, солиқ, ҳуқуқий ва бошқа имтиёзлар бўйича маълумотлар бериш ва улардан фойдаланиш бўйича кўмаклашиш (имтиёзлар базаси шакллантирилади электрон ҳолатда).

- Тадбиркорлигини кенгайтириш учун бизнес ғоялар (барча таҳлили маълумотлари билан) тақдим этиш.

- Корхона ва ташкилотларнинг бизнес жараёнларини оптималлаштириб бериш ва дастурларни ўрнатиш.

- Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтериясини юритиб,аудит текширувларини ўтказиб бериш.

- Корхона ва ташкилотлардан томонидан ишлаб чиқиладиган маҳсулот ва хизматларнинг сотилиши учун маркетинг стратегияларини ишлаб

чиқиш.

Ушбу марказда хизмат кўрсатиш ўртача нархи қуйидагича белгиланади:

№	Жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизмат тури	Нархи	Юридик шахсларга кўрсатиладиган хизмат тури	Нархи
1	Кредит олишда таъқиқ бор ёки йўқлигини текшириш ва таҳлил қилиш	БҲМнинг 8 фоизи	Кредит олишда таъқиқ бор ёки йўқлигини текшириш ва таҳлил қилиш	БҲМнинг 20 фоизи
2	Автоматлаштирилмаган кредит ҳужжатларини расмийлаштириш	Кредит шартнома суммасининг 1,5 фоиз	Кредитни расмийлаштириш учун ҳужжатларни тайёрлаб бериш	Кредит суммасининг 1,8-2 фоизи миқдорида
3	Тадбиркорлик қилиш истагидагилар учун бизнес лойиҳалар тақдим қилиш (барча таҳлиллар билан)	Лойиҳа қийматининг 0,3 фоизи	Банклар, ломбардлар ва микромолия ташкилотлари томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотлари орасидан шакллантирилган энг мақбуллари бўйича электрон тизимдан фойдаланиш (чораклик)	БҲМнинг 50 фоизи
4	Юридик маслаҳат	БҲМнинг 33 фоизи	Тадбиркорлик қилиш истагидагилар учун бизнес лойиҳалар тақдим қилиш (барча таҳлиллар билан)	Лойиҳа қийматининг 0,5 фоизи
5	Юридик хизматлар	Шартномага асосан	Юридик маслаҳат	БҲМнинг 50 фоизи
6	Давлат томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида жамланган электрон базадан фойдаланиш 3 ойлик тариф	БҲМнинг 35 фоизи	Юридик хизматлар	Шартномага асосан
7			Давлат томонидан берилаётган	БҲМнинг 40 фоизи

			имтиёзлар тўғрисида жамланган электрон базадан фойдаланиш 3 ойлик тариф	
8			Корхона бухгалтериясини юритиш, аудит текширувини ўтказиш	Шартномага асосан
9			Бизнес жараёнини оптималлаштириш	Шартномага асосан
			Корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларнинг сотилиши учун маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш.	Сотилган маҳсулотлардан олинган даромаддан 10 фоиз

МАРКАЗНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

сўмда

№	Хизмат кўрсатиш номи	Ўл. бир.	1 кунда кўрсатиладиган хизмат миқдори	1 ойда кўрсатиладиган хизмат миқдори (Офлайн 24 иш куни, онлайн тўлиқ)	1 йилда кўрсатиладиганхизмат миқдори
1	Офлайн (офисда)	дона	25	600	7 200
2	Онлайн (мобил илова)	дона	40	1200	14 400

Кўрсатиладиган хизматларнинг ўртача нархи масалан, шартномага асосан бўлган маҳсулот сотиш, оптимизация қилиш, дастурлар ўрнатиш, бухгалтерия ва аудит текширувларини ўтказиш, банк кредитларини чиқаришда ёрдам бериш ва бошқалар йирик пул тушуми олиб келади. Шунингдек, онлайн хизматлар ва тарифлар сотиб олиниши натижасида ҳам

пул оқими кўпаяди. Шу сабабли ўртача йиллик тушумни йиллик 450-500 млн сўм атрофида деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

МАРКАЗ ХАРАЖАТЛАРИ

Штат жадвали

сўмда

№	Лавозими	Сони	Битта штат ойлик маоши (оклад+KPI)	Жами 1-йил ойлик маош
1	Юрист	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
2	Бухгалтерия, маркетинг бўйича ходим	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
3	Банк, ломбард, микромолия бўйича ходим	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
4	Солиқ, имтиёзлар бўйича ходим	1	3 000 000+KPI	36 000 000+KPI
5	Дастурчи, оптимизациячи	1	4 000 000+KPI	48 000 000+KPI
6	Ресепш	1	2 000 000+KPI	24 000 000+KPI
	ЖАМИ	**6**	**18 000 000**+KPI	**216 000 000**+KPI

Марказнинг 1-йиллик хизмат кўрсатишданр тушган тушуми ўртача 480-500 млн.сўмни ташкил қилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ I ШАКЛ УЧУН

сўмда

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
Номи	**Ўз маблағи**	**Кредит маблағи**	**Жами**

Марказни ташкил этиш	380 000 000	350 000 000	730 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**52%**	**48%**	**100%**

Молиялаштириш объектлари		
Бино қурилиши учун	**450 000 000**	**730 000 000**
Жиҳозлаш ва мобил иловага	**280 000 000**	

Кредит маблағларини қайтариш.

сўмда

Номланиши	***2023***	***2024***	***2025***	***2026***	***2027***
Асосий тўловдан	0	87 500 000	87 500 000	87 500 000	87 500 000
Фоиздан	49 000 000	45 000000	36 750 000	24 500 000	12 250 000
Жами	**49 000 000**	**132 500 000**	**124 250 000**	**112 000 000**	**99 750 000**

Соф тушум ва соф фойда

сўмда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**
Хизматлардан тушган тушумлар	480 000 000	490 000 000	490 000 000	500 000 000	500 000 000
Марказ харажатлари	51 000 000	53 000 000	55 000 000	57 000 000	57 000 000
Маош харажатлари	216 000 000	216 000 000	216 000 000	216 000 000	216 000 000
Реклама харажатлари	5 000 000	5 000 000	5 000 000	5 000 000	5 000 000
Кўзда тутилмаган бошқа ҳаражатлар	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000

Кредит тўловлари	49 000 000	132 500 000	124 250 000	112 000 000	99 750 000
Солиққа қадар тушган даромад	149 000 000	73 500 000	79 750 000	100 000 000	112 250 000
Фойда солиғи 12%	17 880 000	8 820 000	9 570 000	12 000 000	13 470 000
Сой фойда	**131 120 000**	**64 680 000**	**70 180 000**	**88 000 000**	**98 780 000**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ II ТУР УЧУН

сўмда

ЛОЙИҲАНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚИЙМАТИ			
	Ўз маблағи	**Кредит маблағи**	**Жами**
Марказни ташкил этиш	225 000 000	175 000 000	400 000 000
Лойиҳанинг умумий қиймати	**56,2%**	**43,8%**	**100%**
Молиялаштириш объектлари			
Бинони марказга мослаштириш	**60 000 000**	**340 000 000**	
Жиҳозлаш ва Мобил илова учун	**280 000 000**		

Кредит маблағларини қайтариш.

сўмда

Номланиши	***2023***	***2024***	***2025***	***2026***	***2027***
Асосий тўловдан	0	43 750 000	43 750 000	43 750 000	43 750 000
Фоиздан	24 500 000	22 000 000	18 375 000	12 250 000	6 125 000
Жами	**24 500 000**	**65 750 000**	**62 125 000**	**56 000 000**	**49 875 000**

Соф тушум ва соф фойда

сўмда

Номланиши	**1- йил**	**2- йил**	**3-йил**	**4-йил**	**5-йил**
Хизматлардан тушган тушумлар	480 000 000	490 000 000	490 000 000	500 000 000	500 000 000

Марказ харажатлари	51 000 000	53 000 000	55 000 000	57 000 000	57 000 000
Маош харажатлари	216 000 000	216 000 000	216 000 000	216 000 000	216 000 000
Реклама харажатлари	5 000 000	5 000 000	5 000 000	5 000 000	5 000 000
Кўзда тутилмаган бошқа ҳаражатлар	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000	10 000 000
Бино ижараси учун	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000	60 000 000
Кредит тўловлари	24 500 000	65 750 000	62 125 000	56 000 000	49 875 000
Солиққа қадар тушган даромад	113 500 000	80 250 000	81 875 000	96 000 000	102 125 000
Фойда солиғи 12%	13 620 000	9 630 000	9 825 000	11 520 000	12 255 000
Сой фойда	**99 800 000**	**70 6200 000**	**72 050 000**	**84 480 000**	**89 870 000**